ИБРАТЛИ ТАШАББУС — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЭЛНИНГ МАШҲУР ҲОФИЗИГА БАҒИШЛАНДИ — 6-бет

ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 64 (10.369) / 2005 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Халқаро почтамт очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури бўйича амалга оширилаётган вазифалар ҳамда келгуси режаларга бағишланди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги 23-оилавий шифохонада шифокорлар иштирокида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбир Наврўз айёмига бағишланди.

● **ЭРТАГА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида хайрия тадбири уюштирилади.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Муқимий номли маҳаллада кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида эзгулик айёми муносабати билан тадбир ҳамда концерт дастури ўтказилди.

● **ЭРТАГА** Акмал Икромов туманидаги Тошкент қурилиш- коммунал касб-ҳунар коллежида ёшларни чақириққа тайёрлаш фани бўйича «Энг яхши ўқув моддий базаси» кўрик-танлови бўлиб ўтади.

● **«ЯНГИОБОД»** маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир «Бир болага етти маҳалла ота-она» деб номланди.

● **КЕЧА** 9-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» сардорлари учун ўқув семинари ташкил этилди.

● **КЕЧА** 263-мактабда «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуида бўлиб ўтган тадбирда 17, 265-мактабларнинг ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

● **КЕЧА** Яккасарой туманидаги 300-болалар боғчасида ўтказилган «Саломатлик — туман бойлик» мавзуидаги давра суҳбати Сиҳат-саломатлик йилига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## «ТАШАББУС-2005»: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ



**Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 1996 йилдан буён тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, ишбилармонлик фаолиятини янада кенгайтириш, илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус» танлови ўтказиб келинмокда.**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва фермерликни ривожлантиришга доир ишлар кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ўтган йили мазкур тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 35,6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткични 2007 йилгача 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Бунда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва кенг тарғиб этишга қаратилган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам муҳим ўрин тутади.



Мазкур танлов ўтказила бошлаганидан буён унда 90 000 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Кўрик-танлов миллий тадбиркорликнинг илғор тажрибаси ва ютуқларини намоён ҳамда эътироф этишнинг самарали механизмига айланди. Оммавий ахборот воситалари томонидан танлов жараёни ҳамда натижаларининг кенг ёритилиб борилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий инвестицияни жалб этиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда муҳим омил бўлмокда.

Танлов иштирокчилари сафи йилдан йилга кенгайиб, уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалмокда. Танловда иштирок этаётганлар орасида ёшларнинг тобора кўпаяётгани қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлимлари шафелигида жойларда дастлаб танловнинг туман, шаҳар ва вилоятлар босқичлари ўтказилиб; ғолиблар республика босқичига чиқди. Вазирлик, идора, корхона, ташкилот ва тижорат банклари, жамоатчилик ҳаракатлари танлов муассислари ва ҳомийларидир. Ўтган йилларда бўлгани каби, бу йил ҳам танловда хўжалик юритиш фаолияти якунлари бўйича энг яхши натижаларни қўлга киритган ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган микрофирмалар, кичик бизнес корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳунармандлар ҳамда амалий санъат вакиллари иштирок этди.

Танлов «Энг илғор тадбиркор», «Энг илғор фермер», «Энг илғор ҳунарманд» йўналишлари бўйича ўтказилди. Шунингдек, ўз фаолиятида улкан муваффақиятларга эришган хусусий тармоқ вакилларига мўлжалланган «Энг илғор тадбиркор аёл», «Замонавий технологияларни жорий этгани учун», «Энг яхши маҳсулот экспорти учун», «Энг самарали лойиҳа», «Энг илғор молия муассасаси», «Энг фаол журналист», «Бизнес-таълим бўйича энг илғор ўқитувчи», «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши инновация лойиҳаси», «Энг яхши дастурий маҳсулот», «Энг яхши инвестор» каби жами 18 номинация бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилди.

31 март куни танлов якунлари сарҳисоб қилинишидан олдин, «Туркистон» саройида танлов иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Серқуёш ўлкамизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган турфа товар ва буюмлар нафақат танлов ҳайъати аъзолари ва иштирокчилари, балки бу ерга ташриф буюрган барча меҳмонларда, жумладан, хориж вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Ташаббус-2005» республика танлови ғолиблари тантанали равишда эълон қилиниб, уларга мамлакатимиз Президентининг совринлари топширилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари ва меҳмонларига санъаткорлар катта концерт дастурини намойиш қилдилар.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг Тошкентдаги филиалида ўтказилган халқаро Плеханов ўқишларининг бу йилги XVIII анжумани «Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш стратегик йўли» мавзусига бағишланди.**

**● Тошкентда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ бугундан мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланди.**

**● Самарқанд шаҳридаги биринчи туғруқхона мажмуи Наврўз байрами кунларида шаҳар марказидаги янги замонавий бинога кўчиб ўтди.**

**● Навоий шаҳрида фольклор-этнографик жамоалари кўрик-фестивалининг вилоят босқичи якунланди.**

**● Сурхондарё вилояти деҳқонлари чигит экишга киришдилар. Дастлабки майдонларда барака уруғи қадалди. Бу йил вилоят пахтакорлари 123 минг гектар ерда пахта етиштирадилар.**

### Жаҳонда

**● АҚШ Президентининг рафиқаси Лора Буш Афғонистондаги аёллар ва қизларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш ҳамда имкон қадар уларнинг илмий даражасини оширишга кўмак бериш мақсадида Афғонистонда бир кунлик сафарда бўлди. АҚШнинг биринчи хоними Афғонистонда бошланғич мактаблар барпо этиш ва таълимни ривожлантириш йўлида 17,7 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратишга ваъда берди.**

**● БМТнинг хавфсизлик Кенгаши Дарфурдаги фуқаролик урушига барҳам бериш мақсадида Суданда 10 минг кишилик тинчликпарвар кучларнинг жойлаштирилишига рухсат берди.**

**● Фаластин мухторияти раҳбари қароргоҳи номаълум жангарилар томонидан ўққа тутилди. Хабарларга кўра, Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос қароргоҳда эканлигига қарамай унга ҳеч қандай зарар етмаган.**

**● Испаниянинг «Паис» газетасининг маълум қилишича, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги чекувчилар сони бутун аҳолининг 40 фоизига етди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**Ташқи сиёсатимиз устувор масалаларини белгилаб олишда мамлакат миллий манфаатлари ҳамда хавфсизлигини таъминлаш «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари» мавзусига бағишлаб шу йил 31 март куни бўлиб ўтган илмий-амалий конференциянинг асосий ғояси бўлди. Бундай ёндашув давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг парламент ҳар иккала палатасининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида ташқи сиёсий фаолият соҳасида таърифлаб берилган вазифаларга қаратилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.**

Конференция иштирокчилари мамлакатимиз мустақиллик йиллари мобайнида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаганлигини қайд этдилар. Жаҳонда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори тобора ортиб бораётганлиги кўп жиҳатдан юртимизда амалга оширилаётган демократик ва бозор ислоҳотлари, мамлакатимизнинг минтақада хавфсизликни барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари изчил амалга оширилаётганлиги, ҳар тарафлама пухта ва босиқ ташқи сиёсат йўли ўтказиб келинаётганлиги натижасида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар самарасидир.

Нисбатан қисқа муддат ичида мамлакатда ташқи сиёсий фаолиятнинг қонунчилик базаси яратилганлиги, бунда турли давлатлар билан тенг шериклик ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонимизнинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига янада интеграциялашуви йўли асосий принцип бўлиб қолаётганлиги сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Конференция ишида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин, Деҳли университетининг профессори С.Чакраварти сўзга чиқдилар.

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан биргаликда ташкил этган конференцияда сенаторлар, депутатлар, тегишли, вазирлик ва идоралар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари, етакчи илмий муассасалар олимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари иштирок этдилар.

## АКЦИЯДОР ҲУҚУҚИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни қўллаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш борасидаги масалаларга алоҳида тўхталиб, қонун ҳимоячилари аввало эскича қараш ва иллатлардан тўла халос бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Қўшма пленумда асосий эътибор ана шу талаблар ижросига қаратилди. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида судлар томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг фаолият юритиши ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Қайд этилганидек, акциядорлик жамиятлари иштирокидаги ишлар таҳлили шуни кўрсатаяптики, судлар бу борадаги қонунларни асосан тўғри қўлламоқда. Шу билан бирга, бу тоифадаги ишларнинг мураккаблиги, корпоративлиги ва бошқа айрим ўзига хосликлари боис соҳага оид қонун ҳужжатларининг судлар томонидан нотўғри талқин қилиниши ҳоллари ҳам учраб турибди.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидандир. Шу боис судлар томонидан бу борадаги қонунларнинг тўғри ва холис қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Пленумда судларга шулар хусусида зарур тушунтиришлар берилди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Хайрли ташаббус*

# ЎЗ УЙИМИЗ, МАҲАЛЛАМИЗ ВА ҲУДУДИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ОБОД ҚИЛАЙЛИК

### СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ФАОЛЛАРИНИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСИ

**Қадрли ҳамшаҳарлар! Бугун халқимиз бир жон, бир тан бўлиб пойтахт шаҳар Тошкентимизни энг замонавий, обод ва кўркам шаҳарга айлантириш йўлида фаол иштирок этмоқда. Ана шу меҳнат самараси туфайли йил сайин Тошкентимиз гўзал ва фусункор шаҳарга айланиб бораётганлиги фахрлидир. Бугун ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Истиқлол шарофати ила ўтган қисқа муддат ичида пойтахтимизда амалга оширилган эзгу ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Шаҳримизда яратувчанлик ва бунёдкорлик йил сайин кенг қулоч ёйиб, янгиликка интилувчан ташаббускорлар сони ортиб бораётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Бундай хайрли ишлардан барча қатори Сергели тумани ҳам четда қолмаяпти. Қуйида туман аҳлининг ободончилик йўналишида хайрли ташаббус кўрсатиб, уюштираётган танловини диққатингизга ҳавола этамиз.**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!





1. **«Энг намунали таъмирланган йўлак, ободонлаштирилган уй, ҳовли ва болалар майдончаси»** йўналиши бўйича ўтказиладиган танловда Сергели туманида жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатлари иштирок этадилар.

2. **«Энг озода уй, ҳовли, йўлак, болалар майдончалари»** танловида туманнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари, кўп қаватли уй хонадонлари эгалари, ўқув-таълим муассасалари қатнашадилар.

3. **«Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг энг обод ҳудуди»** танлови иштирокчилари туманда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлардан ташкил топади.

4. **«Энг намунали гуруҳ».** Бу танловда тумандаги ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан иборат ободонлаштириш гуруҳлари иштирок этадилар. Бу йўналиш икки номинация бўйича:

а) Ободонлаштириш;

б) Меҳр-мурувватли ёшлар ўртасида ўтказилади.

5. **«Маҳалланинг энг обод ва тоза хонадони ва кўчалари».** Унинг иштирокчилари якка тартибдаги хусусий хонадон эгалари ва маҳалла аҳолиси бўлади.

Ҳар бир йўналиш бўйича барча номинацияларнинг ғолиблари қуйидагича рағбатлантирилади.

**БИРИНЧИ ЎРИН — 300000 СЎМ**
**ИККИНЧИ ЎРИН — 200000 СЎМ**
**УЧИНЧИ ЎРИН — 100000 СЎМ**

Қўшимча маълумотларни туман ҳокимияти биносининг биринчи хонасидан олишингиз мумкин.

***Танлов 15 майда якунланади***

## *Азиз ҳамшаҳарлар!*

***Тошкентимизнинг янада кўркам ва файзли бўлиши учун барчамиз ташаббускор бўлайлик. Ҳар биримиз ўз уйимиз, ўз ҳовлимиз, маҳалламиз, ўзимизнинг ўқиш ва иш жойларимизнинг ораста ва кўркам бўлишига эришайлик. Пойтахтимизни янада ободонлаштириб, озодаликда тенги йўқ шаҳарга айлантирайлик.***

# VISA: ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

**Visa International компанияси Ўзбекистон банклари ҳамда уларнинг мижозлари тўлов тизимининг банк маҳсулотларига қизиқиши ортганини қайд этмоқда. Компания маълумотларига кўра, 2003 йил декабридан 2004 йил декабригача мамлакатимиз банклари томонидан чиқарилган Visa карталари сони деярли 300 фоиз ортган ва 28,5 мингтани ташкил этган.**

Айни пайтда йил давомида савдо ва банк тармоғида Visa карталаридан фойдаланиш ҳажми ортди. Операциялар сони 66 мингга етди ва умумий миқдори 18 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Visa - энг йирик халқаро тўлов тизими. Ҳар йили Visa карталари бўйича айланма 3 триллион доллардан ошади. Visa карталари дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатида тўлов учун қабул қилинади. Visa унга аъзо бўлган 21 минг молия муассасаси ҳамда Visa карталари эгалари манфаатлари йўлида янги тўлов маҳсулотлари ва технологияларини жорий этишда етакчи роль ўйнайди. У - Интернет тўловлар соҳасида пешқадам ва универсал тижоратни йўлга қўйишни қўллаб-қувватлайди, яъни исталган вақтда, исталган жойда турли алоқа воситалари ёрдамида тижорат билан шуғулланиш имконини беради.

— Visa Ўзбекистонда 1993 йилда иш бошлаган ва бизнинг биринчи ҳамкоримиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўлган, - дейди Visa International компаниясининг МДҲ мамлакатларида бизнесни ривожлантириш бўйича ҳудудий менежери Александр Калита. - Бугун Visa га аъзо Ўзбекистон банклари сони бештага етди ва биз бошқа ҳамкорлар билан ҳам музокараларни давом эттирмоқдамиз. Президент Ислом Каримов олиб бораётган сиёсат туфайли мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсмоқда. Банк тармоғи мустаҳкамланмоқда ва фаоллашмоқда.

2004 йил республика банк тўлов карталари ривожида ҳал қилувчи давр бўлди ва рақамлар буни яққол тасдиқлайди. Visa Ўзбекистонда нақд пулсиз тўловлар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли режалар тузмоқда ва дастлабки қадамлардан бири банклар билан ҳамкорликда савдо тармоғида карталардан фойдаланишни кўпайтиришга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш бўлади.

Пластик карталарни тўлов учун қабул қилиш инфратузилмасини ривожлантириш нақд пулсиз тўловлар ҳажмини ошириш ва карталар эгаларига имкон қадар қулайлик яратиш вазифасини ҳал этишга хизмат қилади. Глобал иқтисодий жиҳатдан ёндашганда, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг умумхўжалик айланмасига тобора кўпроқ жалб этилиши, демакки солиқларнинг тўпланиш даражаси ортиши ва молиявий оқимларнинг ошкоралиги таъминланишини англатади.

**ЎзА**

## 1 апрель — кулги куни




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

Ҳар йили баҳор бошланишида бир кун бор. Бу куни ҳазил-мутойибалар, енгил-елпи ёлғон-яшиқлар кечирилади. Кўчалар, майдонлар қаҳқаҳаларга тўлади. Бу кун — 1 апрель — кулги кунидир.

1 апрель кунини қувноқ ўтказиш одати қачон бошлангани аниқ эмас. Аммо Ғарбий Европада бундан 300 йил муқаддам ҳам ана шу куни ҳазил-мутойибалар авжига чиққан, одамлар бир-бирларини хурсанд қилишган. Кейинчалик бу одат Россияда ҳам кенг тарқалди. Мана бир неча йилдирки, 1 апрель куни мамлакатимизда кулгу куни сифатида кенг нишонланмоқда. Диёримизнинг турли бурчакларида кулги кечалари, кулги усталари билан учрашувлар ўтказилади, театрларда қувноқ спектакллар намойиш қилинади.

**Кулги куни муносабати билан ушбу саҳифада эълон қилинаётган материаллар сизга қувноқ кайфият, ширин табассум бахш этади, деган умиддамиз.**

## СОЙИБ ХЎЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

### АЗРОИЛДАН ҚОЧИБ

Сойиб Хўжаев Марғилонга борганда Юсуфжон қизиқ оғир ётибди, деб эшитади-ю, бир кўриб чиқай деб, уйига боради. Борса, уйда йўқ. Уйдагилардан: «Устоз қаердалар?» — деб сўраса, «Чойхонага чиқиб кетдилар», деб жавоб беришади. Сойиб Хўжаевнинг кўнгли ёришади. «Худога шукр, чойхонага кетган бўлсалар, демак тузук бўлиб қолибдилар», — деб, шу хаёл билан чойхонага боради. Юсуфжон қизиқ сўрида чордона қуриб ўтирган эканлар.

Сойиб Хўжаев одатдагидек ҳазиллашиб:

— Уста, касал одам маза қилиб ётмайдими? Чойхонада нима қилади? — дейди.

— Азроилдан қочиб чиқдим, Сойибжон, — дейди Юсуфжон қизиқ.

— Уста, ўша Азроил деганиз менман-да, шундай Азроилманки, мен жонизни олмайман. Икки оғиз ширин сўз, бир пиёла кўк чой билан жонизни киритаман, — деб юзларини тавоф қилиб, кайфиятларини кўтарган экан.

### ОИЛАДА ХОТИН СУДЬЯ БЎЛИБ ИШЛАСА

Бир мухбир Сойиб Хўжаевга савол берипти:

— Сойибжон ака, оилада хотин киши судья бўлиб ишлашига қандай қарайсиз?

— Жуда яхши қарайман, — депти Сойиб Хўжаев.

— Нима учун? — мухбир яна сўрапти.

— Нима учун дейми, шунинг учунки, хотин киши судья бўлиб ишласа-ишламаса, уйда тушгача судья, тушдан кейин прокурор. Шунинг учун оила тартибли, — деб жавоб берган экан.

### ФАРИШТАЛАР ЎРИСЧАНИ БИЛМАЙДИ

Сойиб Хўжаев ҳазиллашиб, шогирдларини ўрисчалаб сўкар экан. Бир куни шогирди Безовта мот қилиш учун:

— Уста, нега шогирдларизни ўрисчалаб сўкасиз, бу ахир гуноҳ бўлади-ку? — деб қолди.

— Одамнинг гуноҳларини фаришталар ёзиб боради, — дейишади. Тўғрими, Безовта? — дейди устоз.

— Тўғри, — дейди шогирди.

— Мен ўрисчалаб сўксам гуноҳ бўлмайди, чунки фаришталар ўрисчани билмайди, — деб ҳазиллашиб жавоб беради устоз.

### ЭСИДАН ЧИҚАРИБ ҚЎЙИБДИ

Бир куни Муқимий театрининг директор ўринбосари Ярашевскийнинг хотини ўлган экан. Унга театр номидан ҳамдардлик билдириш учун Раззоқ Ҳамроев бошчилигидаги вакиллар гулчамбар олиб йўлга тушади. Йўлда Сойиб Хўжаев Раззоқ Ҳамроевдан:

— Раззоқжон, ўзбекчада ўлганнинг қариндош-уруғларига «Бандалик-да, худо раҳмат қилсин, сизга худо сабр берсин!» — дейишади. Ўрисчада нима дейишади? — деб сўрапти. Раззоқ Ҳамроев:

— Я ваше горе разделяю, дейишади, — депти.

Сойиб Хўжаев бора-боргунча «Я ваше горе разделяю», — деб ёд олиб кетаверипти. Марҳумнинг уйига бориб, ҳамма ҳамдардлик билдирипти. Сойиб Хўжаев бориб Ярашевскийни бағрига босиб: «Я ваше горе разделяю» дейиш эсидан чиқиб қолиб, « Я ваше горе поздравляю», — деб юборипти. Таъзияга борганлар тескари қараб пиқ-пиқ кулишибди.

**Ҳайдар МУҲАММАД**

## ҲАЗИЛЛАР

Мирзачўлдаги амакисиникига борган Азларвой кечқурун ётишидан олдин уқдирибди:

— Амаки, мени саҳарда келадиган электр поездига уйғотиб юборинг, хўпми?

— Бўпти, сен айтган пайтда хўрозимиз уч марта кетма-кет қичқиради, ўшанда уйғотаман.

— Тағин, эртага апрель бўлгани учун алдамаяпсизми, қўнғироқли соатингиз бордир?

— Хўрозга ишонавер, бизнинг қўнғироқли соат ўша!

— Э тушундим, бу йил — Товуқ йилида, хўрозингиз аниқ вақтда қичқирса керак.

* * *

Доим маст-аласт юрадиган Ҳузурхўжага чойхонадагилар ҳазиллашиб, шундай савол беришибди:

— Айтинг-чи, Ҳузурхўжа, хўкизнинг олдига бир челак сув билан бир челак мусаллас қўйишса, у қай бирини ичади?

— Сувни хўкиз, мусалласни аканг қарағай ичади, — жавоб берибди Ҳузурхўжа илжайиб, — қани ўша мусаллас, ё мени апрель қиляпсизларми-а?!

## Габрово латифалари

### ҚОРОНҒУДА ЎҚИШ ОРЗУСИ

Бир габроволик кўзи ожизларнинг махсус — қўл билан сийпалаб ўқишни билишларини эшитиб, ўша усулни ўрганмоқчи бўлибди.

— Сенга бу нимага керак, ахир кўзинг соппа-соғ-ку? — деб сўрашибди ундан.

— Соғликка соғу лекин қоронғуда ўқишнинг ҳам фойдали томони бор, электрнинг пули ёнга қолади, — деб жавоб берибди габроволик.

### ҚАЙТИМ БИЛАН ЖОНИ ЧИҚАДИ

Бир габроволик савдогар ўз дўконидаги молларни фақат яхлит пулга сотар, қайтимини беришни ёқтирмас экан. Ундан бунинг сабабини сўрашибди.

— Харидорга қайтимини берсам ўша қайтим билан жоним ҳам чиқиб кетаётгандек бўлади, — деб жавоб берибди савдогар.

### БЕБАҲО ХАЗИНА

Бир габроволик кутубхонадан китоб олиб, уйига келиб ўқий бошлабди. Тўсатдан китобнинг ичидан йириккина пул чиқиб қолибди. У китобни яна варақлашга тушибди.

— Ҳа, жуда қизиқ китоб эканми? — сўрабди хотини ундан.

— Ҳа, ҳа, жуда қизиқ, китоб — бебаҳо хазина деганларича бор экан, — жавоб берибди габроволик.

## ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Бир кулги ишқибози менга шундай деб қолди.

— Касбларингиз юзасидан қийналадиган ҳолатлар бўладими? Чунки сизлар ҳам одамсизлар. Ҳамиша кулиб-кулдириб юришни ўзи бўлмаса керак. Унинг берган саволларига ушбу сатрлар билан жавоб бердим:

***Нечун одамлар кулмоқ истарлар,***
***Наҳотки шунчалар кулгили ҳаёт.***
***Қалбинг ярасига пинак бузмаслар,***
***Кулишар чин дилдан сўрасанг нажот.***
***Масхарабоз деб босишар тамға,***
***Дардли сўзлар айтиб йиғласанг агар.***
***Қалбинг йиғлаганда «кулдир» дегани,***
***Найза санчгандайин юракка тегар.***

Илҳомланганда ўз ихтиёри билан пайдо бўлган кулгининг даражаси баланд бўлади.

. Вой айланай Рўзвон буви, нимасини айтасиз. Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Кўнглим бирам ғаш, бирам ғашки, кимдан, нимадан алам олишимни билмайман. Бўйгинанг ўсгур қизимнинг бахтгинаси очила қолмаяпти-да. Худди биров атайлаб йўлини бойлаб ташлагандай. Бормаган жойим, чертмаган эшигим қолмади. Домлага ўқитдим, отин бувига чиллаёсин қилиб кўчиртирдим. Биз ҳам улардан ортда қолсак, уят бўлар. Ҳа, хотин олиб уч қоп ун, икки қоп гуруч, тойдек бир қўй бермаса, қанақа куёв у. Сут ҳақи-ку, ўз йўлига, бусиз бўлмайди. Олдинги бўлишган совчиларимиз ҳам шундан айнишди. Улардан атиги 600 америка пули сўрагандик. Кулиб ўтирган одам тўнини бирдан тескари кийиб олди. Кейин эшитсам: «Қизини Мирзакаримбойга берсин» деганмиш.

## ТАҚДИР ЭКАНДА...

**Ҳажвия**

Бай-бай-бай, бу фолбинларни айтмайсизми? Биттаси у деса, биттаси бу дейди. Охири қайси бирининг гапига ишонишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Отаси раҳматлик «Фолбиннинг гапига ишонган киши аҳмоқ» деб бежиз айтмас эканлар...

...Қўйинг-ей, ўлибдими мен билан маслаҳатлашмай бировга кўнгил қўйиб. Тағин ким билади дейсиз. Ўртада шайтон бор, айланай. Тунов куни эшик «тақ» этиб очилди. Бундай қарасам, Раъноҳон — қизим. Туриши бир оз бошқачароқ. Ранги синиққан. Лабимни тишлаб қўя қолдим. Ахир, боланинг ўз дарди ўзига етмагандек меники бормиди энди.

Ҳа, ҳа айланай. Тағинам юраги дарё экан. Бўлмаса шу вақтгача ич-этини еб қўярди. Ахир, бу тенгилар иккитанинг онаси бўлиб ўтиришибди-я. Мана ўзимизни олинг. Ўн еттига кирмасдан тақ этса «совчи келди» деб эшик пойлардик. Тўғрими?

Ана, ана ўргилай. Ҳаммасидан ҳам никоҳ кунидаги шайтон йиғимни айтмайсизми?

Тўрт фарзанд кўрдик. Қурмагурларнинг умри қисқа экан. Кўзимнинг оқу-қораси мана шу қизим қолди.

...Вой, нима деяпсиз, Рўзвон буви. Бўлишганмиз. Бир эмас, бир неча бор-а. Ҳаммаси берардан қочади. Қиз боқиб уларга текинга бериб юборақолсам. Ахир болам ердан чиқмагандир. Отаси бўлмаса ҳам алифдек тоғалари бор бошида. Қандай оғир замонлар бўлишига қарамай, чолим тушмагур ботмонлаб берган бизга ҳам. Йигитнинг марди уйланади. Чидаганга чиқарган.

...Ҳа йўқ, айланай, биласиз-ку мени. Ўлибманми оғзимнинг бир бурчагидан чиқариб. Бундай ўйлаб кўринг. Келиннинг ўзига қилиш керакми жилла қурса ўн сидрадан бош-оёқ кийим. Йигирмадан, ўттиздан қилаётганлар бор тасаддиқ. Ахир онаси, қариндош-уруғлари бор. Уларга қилиш керак. Аммаси турмушга чиқиб, укамнинг ўғиллари битта сарпо киймаса умрбод биздан домонгир бўлмайдими, айланай.

Ҳозирги тўйларни кўряпсиз. Йилдан-йилга ошиб кетяпти. Одамлар ким ўзарга тўй қиляпти.

Вой ордона-ей. Мирзакаримбой қаерда-ю, биз қаерда. Агар ўша вақтлар бўлганида шундай суқсурдай қизни Мирзакаримбой олмай ўлибдими? Хуллас садағангиз кетай, Рўзвон буви, қизим бир эмас тўрт фотиҳадан қолиб ўтирибди.

...Нима-нима? Шу ҳам гап бўлди-ю, тузсизлигини қаранг-а! Баҳосини арзон қилингмуш. Вой, қудратингдан. Нима, мен бозорда мол сотяпманмики, баҳосини арзон қилиб. Қиз чиқаряпман, айланай.

Э бўлди, гапирманг.

...Вой нима деяпсиз ўзи. Қачон қизимнинг бахтини ўғирлабман. Ҳеч замонда она ҳам қизининг бахтини ўғирлайдими? Бекоргиналарни айтибсиз. Мен қизимнинг бахтини ўйлаб шундай қиляпман. Қари қиз бўлиб ўтиргани етмагандек, бировга текингинага бериб юборсам ҳаммаси кулмайдими, «қизида бир гап бор экан» деб.

...Тағин гапирасиз-а. Ким айтади сизни девор-дармиён қўшни деб. Қизимнинг бахтини мен эмас, сиз кўролмаяпсиз. Алам қилмай қўя қолсин. Мен сизга ўхшаб ўз қизимни текиндан текин қўш-қўллаб бериб юборib бўпман. Ҳа, ўзим кўрдим-ку. Арзанда куёвингиз юборган аччиқ ичакдек чўзилиб ётган қўйни-ю, сарпо-суруқларни. Йўқ, мени ўзингизга ўхшатмай қўя қолинг.

...Бўйгинангдан онагинанг ўргилсин, ана қизим ҳам келиб қолди. Дилимга олгандаки кириб келдими, бас. Энди пешонаси ярақлайди. Ҳали кўриб турасиз тойчоқдек куёв «қизингизни берасиз» деб остонамга ётиб олсинки, баъзилар ҳасаддан ичи куйиб ўлсин.

...Қўй, нега жонингга тегади қизим. Битта сенми 26 га кирган, уялсанг. Ҳали шундай куёв...

...Нима-нима? Ўзим топдим? Ҳой-ҳой, тавба қилдим де. Онанинг юзига шу сўзни айтгани уялмайсанми, бўйгинанг кесилмагур.

Кулманг Рўзвон буви, сиз ҳам ярамга туз сепиб. Нима қилай, осмон узоқ ер қаттиқ. Тақдири шу экан-да ўргилай.

Холпошша хола сўзини оққа кўчирувчи.



— Ия, нега телефон трубкаси юқорига кўтарилиб кетаяпти?

— Юқоридан бош директоримиз қўнғироқ қилаяптилар шекилли.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

## МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

- Э, яшавор, саноатингга (санъатингга) қойилман!
- Сен менинг энг яқин кулфатимсан! (улфатимсан)
- Ҳой бола, эшитяпсанми, без (тез) ёнимга кел.
- Дўстим таҳририятдан алам (қалам) ҳақини олди.
- Ширин сўз — жон қозиғи (озиғи).
- Кеб қолинг, совун (қовун)ларнинг обиноввотига!
- Бу кеча осмонда лой (ой) кўринмади.
- Олинглар, чойга новвос (новвот) солинглар.
- Меҳмонларга катта ойнакка (чойнакка) чой дамлади.
- Қўшнисининг седанаси (беданаси) зўр сайрайди.

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Санъат*

# ҲОФИЗ ХОТИРАСИ ЁД ЭТИЛДИ

**Мустақиллик йиллари ўзбек санъати равнақига муносиб ҳисса қўшган атоқли ижодкорлар, санъаткорлар меҳнати муносиб қадрланмоқда, уларнинг хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор берилмоқда.**

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ артисти «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Хоразм мақом йўллари ва халқ қўшиқлари устаси марҳум Ҳожихон Болтаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Элнинг машҳур ҳофизи» деб номланган адабий-мусиқий хотира анжумани бўлиб ўтди.

Кечани Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Маънавият гулшани» давраси ҳамкорликда ўтказдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Давлат консерваториясининг биринчи проректори Карим Азимов кириш сўзи билан очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 23 августдаги «Ўзбекистон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум, фан, адабиёт, санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида қилинаётган хайрли ва савобли ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Сўнгра Ҳожихон Болтаевнинг сўзи ва қўшиқлари ёзилган видеолавҳалар намойиш қилинди.

Кечада мусиқашунос олим Отаназар Матёқубов, Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов ва ҳофизнинг шогирдлари унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илиқ хотиралари ва таассуротларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

— Ушбу хотира кечасини ўтказишдан мақсад, — дейди тадбир муаллифи ва режиссёри Музаффар Жаъфаров, — эл севган хушовоз санъаткор Ҳожихон Болтаевнинг босиб ўтган сермазмун ва ибратли ҳаёт йўлига яна бир бор назар солиш, унинг ҳаёти ва ижодига оид ёрқин хотираларни эслаш, асосийси эса ҳофизнинг руҳларини шод этишдир.

Мазкур кечада Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фарҳод Давлатов, Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шарип Султонов, Отамурод Бекжонов, Султонпошша Ўдаева, Раҳматжон Қурбонов, «Лазги» ансамбли, Юнус Ражабий номидаги 4-Республика мақомчилар танлови ғолиби Очилбек Матчонов ва бошқа санъаткорлар ўзларининг дилбар қўшиқлари билан даврага хуш кайфият улашдилар.

Шунингдек ҳофизнинг шогирдлари Озод Иброҳимов, Матназар Худойназаров унинг қўшиқларидан айтишув ижро этдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Бўш вақтингизда*

# НАВРЎЗ СКАНВОРДИ




**Тузувчи Фозилжон Орипов**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Рақам атрофига белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** 5. Волейбол. 6. Скипидар. 7. Ватерпас. 16. Микрофон. 17. Кўзойнак. 18. Ботаника. 27. Зарафшон. 28. Косеканс. 29. Бостирма.

**Диагоналлар бўйича:** 1. Қанд. 2. "Наво". 3. Атос. 4. Пода. 8. Бром. 9. Елкан. 10. Пекин. 11. Колба. 12. Пилик. 13. Елим. 14. Торф. 15. Бино. 19. Рейс. 20. Имкон. 21. Обкаш. 22. Ўктам. 23. Истак. 24. Алой. 25. Ойша. 26. Ромб. 30. "Нант". 31. Кана. 32. Сули. 33. Июль.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар: 1. Чой. 2. Пиёз. 3. Шоли. 4. Дўлана. 5. Кеча.**

**Ҳикмат: Кўп ейиш очликдан зиён.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ПЕДИАТРИЯ КОРПУСИ ОЧИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН, ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Педиатр-шифокор
2. Болалар анестезиолог-реаниматологи
3. Болалар хирурги
4. Болалар нейрохирурги
5. Болалар травматологи
6. Педиатрия ҳамширалари

Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

*Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 2-уй.*

*тел. 8-3712-793707 (кадрлар бўлими)*

*Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 1 ой давомида қабул қилинади.*

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, компьютерлар ва бутловчи қисмлар, электрон техникаси, аудио, видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади. Телефон: 68-93-93.

*Дунё шаҳарлари*

# РИЦАРЛАР ДАВРИНИ ЁДГА СОЛАДИ

**Пьемонтда табиатнинг бетакрор ҳайратга солувчи кўринишлари билан завқланиш мумкин: Европадаги энг баланд Альп чўққилари, Италиянинг энг катта тепаликлари, рицарлар даврини эсга солувчи қадимий қалъалар.**

Альп тоғлари остида По дарёси бўйлаб, Пьемонтнинг бош шаҳри Турин ястанган. Асрлар давомидаги қўшничилик итальян шаҳрига Франция билан уйғунлик беради. XIX аср ўрталарида Турин бир неча йил Италиянинг пойтахти ҳам бўлди. Ноёб музейлари, тарихий обидалари, қаср ва черковлари билан Турин кишини ҳайратга солади.

Герцог Савойский қасри мумтоз меъморчилик йўналишида қурилган. Унинг сиёсий безаги, серҳашам боғлари — Версаль меъмори Ленотр томонидан лойиҳалаштирилган. Авлиё Покров ибодатхонасида тўрт аср давомида (1983 йилгача) Исо пайғамбар ўралган мато сақланган. XX аср бошларида Туринда янгиликлар бўла бошлади. FIAT концерни бу шаҳарда бир қатор тармоқлар, фабрикалар очди. Бундан ташқари Турин итальян модаси тан олинган марказлардан бири.

Валле д'Аоста тоғ оромгоҳи машҳурликда қўшни Франция ва Швейцарияга ён бермайди. Чанғи базалари бу ерда қишин-ёзин ишлаб туради. Июль-август ойлари тоғ-қасрларини, шаффоф кўллар ва шаршараларни, қарағай ўрмонларни томоша қилишга жуда боп бўлади. Серқоя Альп тоғларининг қорли чўққилари 4000 метр баландликда ярқираб туради. Франция билан чегарада Соле, Лимонетто ди Тенда, Монженевр, Кўрмайор, Червиния курортлари жойлашган.

Пьемонтда кичкинагина, ҳеч кимнинг назарига тушмайдиган Валенция деган шаҳарча бор. Бу шаҳарча жаҳонда энг кўп тилла буюмларни экспорт қилади. Аҳолисининг ярмидан ортиғи заргар. Заргарликда улар моҳирона ҳунарлари билан биринчиликни эгаллаб келмоқдалар. Валенция усталарининг безаклари нафислиги ва бетакрорлиги билан машҳур. Қимматбаҳо тошлар бир-бирига шундай мос танланадики, кўз ўнгингизда бир рангнинг бир неча хил товланиши зоҳир бўлади. Турли-туман қушлар, балиқлар, тошбақалар ва яна ой, қуёш, юлдузлар кўриниши олмос, ёқут, гавҳарлар билан бирга табиийдек кўринади.

Пьемонтнинг мафтункор кўриниши ҳар бир сайёҳни ўзига асир этади.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**2 АПРЕЛЬ, ШАНБА**

**Бугун, мунажжимлар фикрича, эътиқод мустаҳкамлиги синовдан ўтадиган кун. Гап сўзда ва ўй-фикрларимизда ўзимизни намуна қилиб кўрсатамизу, бошимизга бирор-бир ташвиш тушиб қолса, айтганларимиз эсимиздан чиқиб, шубҳа-ю умидсизликларга берилиб кетамиз...**

Шу куни харидлар қилиш, уйингизни тозалаш, таъмирлаш ва пардозлаш ишлари билан шуғулланиш самарали бўлади. Лекин пухта ўйланмаган ваъдалар бериш, жиддий режалар тузишдан тийилганингиз маъқул. Албатта очиқ ҳавода сайр қилинг. Бу сизга куч-қувват бағишлайди. Оқшомни меҳмон кутиб ёки меҳмондорчиликда ўтказсангиз янада яхши бўлади.

Бу кеча кўрилган тушлар ёқимсиз ва оғир бўлиб, хавф-хатарлардан огоҳлантиради. Жигар ва тана терингиз заифлашган бўлади.

Қизил ва барча шунга яқин ранглар, шунингдек, қора ва тўқ яшил либосларни кийиш афзал ҳисобланади. Кулранг, жигарранг ва сиёҳранг тусли либосларни четроққа суриб қўйинг.

БУГУН:

— бошлаб қўйган ишларингизни ниҳоясига етказиш;

— хизмат вазифаларингизни ҳалол бажариш;

— бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш;

— пазандалик билан машғул бўлиш, ўзингиз ва яқинларингизни тансиқ егулик ва пишириқлар билан эъзозлаш тавсия этилади.

Оилавий ва рўзғор муаммоларини ҳал этиш, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, кўча-кўйда эҳтиётсизликка йўл қўйиш, ўз обрўйингизни мустаҳкамлашга интилиб, бошқаларга тазйиқ ўтказишдан ўзингизни асранг.

**3 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА**

Юлдузлар ва Ой сайёрасининг жойлашуви ҳар қандай сафарлар, саёҳат ва сайрлар омадли бўлиши, ички туйғуларингизга ишониб иш кўришингиз мумкинлигидан хабар беради. Бу кунни мунажжимлар диққатни жамлаш ва ўзгаришлар куни деб аташади. Унда олий руҳий қобилият ва имкониятлар ишга тушади ва бу ҳолатдан оқилона фойдаланиш керак бўлади.

Бугунги кун табиат ва инсон уйғунлиги, осойишталик, тинчлик, бадастирлик куни. Уни уйда ўтказган маъқул. Бу — дам олиш ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш имконини беради.

Бугунги кун рассомлар, созандалар, адабиётчилар, олимлар, тадқиқотчилар учун ғоят қулай келади ва уларни илҳомлантирувчи омиллар кўп бўлади. Ўз фикр-ўйларингизни идора эта билиш, кузатувчанлик ва ички туйғуларингизни тараққий эттириш тавсия қилинади.

Тақдир белгиларига, ҳар қандай майда-чуйдалар, тасодифларга эътибор қилинг. Бугун бировлар тушириб қўйган нарсаларни олиб бўлмайди — ўзгалар юкини зиммангизга олган бўласиз.

Агар ҳовлингизда гул очилса ёки биров сизга гулдаста тақдим этса — сизга келадиган қувончу бахтдан нишона бу. Тўсатдан соатингиз тўхтаб ёки синиб қолса, буни бўлажак нохушликдан огоҳлантириш сифатида қабул қилинг.

Ёрқин ва аниқ-лўнда кўрган тушларингизгина башоратли бўлади. Айниқса, товушлар ва мусиқа жарангги эшитилган тушлар ўнгидан келади.

Бугунги кунда кўзларни зўриқтириш, асаб тизимини чарчатиш мумкин эмас.

Кийинишда оқ, кўк, яшил ва настарин ранг либослар устувор бўлиши керак. Қора, кулранг ва жигарранг либослардан нарироқ бўлинг.

**ОЙНИНГ 25-КУНИ:**

— ўзингизга яхши таниш жойлар бўйлаб саёҳат ва сафарларга йўл олишингиз;

— яхшилаб дам олиб, тўйиб ухлаб олиш;

— имкон қадар тинч-осойишта шароитда меҳнат қилиш;

— ўзингизни камтар тутиш, жамоадан ажралиб қолмаслик;

— ҳамкасблар ва қўшнилар билан ўзаро тажриба алмашиш тавсия этилади.

Ҳар қандай жиддий ҳаракат, бошлиқлар ва раҳбарлар билан мулоқотлар, ижодга берилиб кетиб, ҳаёт реалликларидан йироқлашиш, саломатлигингизга эътиборсиз қараш ман этилади.

**4 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА**

Ҳа, бугун юлдузлар таваккалчиликдан огоҳлантиришади. Ўз саломатлигингизни асранг. Ҳамма нарсада эҳтиёткорликка эътибор қилинг. Бугун бевосита ўз бошлиғингизга ҳам, ҳокимият вакилларига ҳам мурожаат этмаганингиз маъқул. Акс ҳолда улар кўз ўнгида бетоқат, бесабр ва хира-хандон бўлиб кўринасиз.

Бирон нарсани йўқотиш, калит ёки майда пулларни тушириб қўйиш, бўшаб қолган ҳамён ёки синган эшик кўриладиган зарар ва тушкунликдан хабар бўлади. Узук ёки ялтироқ тош топиб олиш ҳаётингизда рўй берадиган бахтли ўзгаришлардан нишона. Кутилмаганда бировдан сизга пул келса - бу ҳам яхши. Чунки бу ҳолат сизнинг ҳимоя ва паноҳингиз борлигидан далолатдир.

Тушда (ўнгда ҳам) соч олдириш - кўрилажак зарардан огоҳлантиришдир. Тушда саёҳат қилиш, тоғни кўриш яхши. Агар тоғга кўтарилсангиз - ниятингиз тўлиқ амалга ошади.

Саломатлик масаласида кўп куч-қувват сарфламанг, оғир жисмоний меҳнатдан ўзингизни тортинг. Имкон бўлса, кўпроқ ухлаб дам олинг. Суюқликни кўп истеъмол қилманг. Энг яхши таом балиқдан тайёрланган овқатлар ва малинадир.

Либослардан оқ, олтинранг ва яшиллари омадли бўлади. Қизил, қора ва кўк кийимлардан бугунча узоқроқ бўлинг. Янги кийимлар кийиш, безак ва тақинчоқларни кўпроқ тақиш тавсия этилади.

Янги ишни бошлаш, мансаб ва шахсий ҳаётингизга таъсир этадиган хатти-ҳаракатлар қилиш, ўз куч ва имкониятларингизни ортиқча баҳолаш, нималар учундир масъулиятни зиммангизга олиш, толиқиш, юракдаги оғриқларга беэътибор бўлиш тақиқланади.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Билгилки, барча овқатларнинг тури ейилиш қоидасига қараб фойда ёки зарардан холи бўлмайди. «Ажойиб алмахлуқот» китобида ёзилишича, иллат пайдо бўлишининг сабаби киши ўз мижозига ёқмайдиган овқатни ейишида, барча дориларнинг боши эса мижозга ёқадиган овқат ейишдадир. Кам овқат ейиш билан даволаниш барча овқатлардан афзалдир.

Овқатларни бир-бирига аралаштириб еб бўлмайди. Масалан, қатиқни ғўр узум суви билан, барча турдаги овқатлардан кейин эса ўрик ва шафтоли еб бўлмайди. Ғўр узум билан балиқни, сирка билан саримсоқни, пиёз, саримсоқ пиёз, хардал, буларни ҳам аралаштириб еб бўлмайди. Барча мева турларидан кейин эса совуқ сув ичиш мумкин эмас. Бундан ташқари асал билан қовунни, товуқ гўшти билан балиқни, саримсоқ, айрон, қатиқни ҳам аралаштириб еб бўлмайди.

● ҲИКМАТ. Айбингдан хабар топиб, уни бировларга ошкор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса уни таъна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг асло унутмайдиган одам билан дўстлик ипини боғламоқ керак. Байт:

**Кўп ҳолатнинг**
**бўлдим шоҳиди,**
**Айб қидирган**
**бўлди айбдор.**
**Кимнинг бўлса**
**юраги тоза,**
**Ўзга айбин**
**қидирмас зинҳор,**
**Дўст айбини**
**бекитар доим,**
**Фазилатин**
**мақтайди такрор,**
**Яхшилигин**
**улуғ деб бўлмас,**
**Ўзингни ҳам**
**асло тутмас хор.**
**Шундай дўстга**
**дуч келсанг агар,**
**Қўлларингдан**
**чиқарма зинҳор!**

● Сабабсиз кулги — беодоблик белгиси.

● Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзанддир.

● Дўст билан суҳбат қурмоқ гуллар орасида сайр қилмоқ ва гўзаллар нағмасига қулоқ солмоқдан хушдир.

● Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

*Транспорт*

# ХИЗМАТЛАРИГА ЯРАША ТАҚДИРЛАНИШДИ

**Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналарида ўз касб-корини эъзозлаб келаётган заҳматкашлар талайгина. Улардан бир нечтаси яқинда кўп йиллик самарали меҳнати учун муносиб тақдирланди.**

«Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси бошқаруви раиси буйруғи билан эса ўнга яқин моҳир транспортчи «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими» нишондори бўлди. Бундай фахрий номга «3-автобус саройи» корхонасининг тажрибали ҳайдовчиларидан Толиб Ҳамидов ва Рихсибой Ориповлар ҳам эга бўлдилар. «8-автобус саройи» корхонаси ҳайдовчиси Абдураҳим Кўчқоров ҳам бундай ишончга сазовор бўлди. Бир гуруҳ илғор ходимлар компаниянинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида вилоят кунлари катта тайёргарлик билан ўтказилмоқда. «Ўзбекистон— Ватаним маним» деган шиор остида уюштирилаётган талаба-ёшларнинг бундай тадбирини бухоролик толиби илмлар бошлаб бердилар.**

*Тадбирлар*

# ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА БАЙРАМЛАР

«Хоразм шоввозлари» деган мавзуга бағишланган навбатдаги тадбир ҳам жуда қизиқарли бўлди. Хоразм вилоятига бағишланган бу кечада икҳна воҳа тарихи, бой маданий мероси ҳақида маълумотлар берилди. Хоразмча қўшиқ ва лапарлар бир-бирига уланиб кетди.

Эндиликда қашқадарёлик талабалар ўз иқтидорлари, истеъдод ва ижрочилик маҳоратларини намойиш этиш учун тараддуд кўришмоқда.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН

Ошхонада икки йигит улфатчилик қилиб ўтирарди.

— Рустам, қаерда ишлаяпсан?

— Ошхонада.

— Зўрку, ойлиги қанақа?

— Суриштирма, биласанку, ҳозир ойлик билан тирикчилик ўтказиш қийин. Тушуми яхши-да.

— Шунақами? Бир кунда қанча топасан?

— 2-3 минг.

— Қандай қилиб?

— Хўжайинимиз ҳар гапида "сопини ўзидан чиқаринглар", деб уқтиради. Биз ҳам шунга амал қилиб ҳам бўйидан, ҳам энидан уришга ҳаракат қиламиз, қийин-қийин — хўрандаларга қийин. Хоҳласанг сенга ҳам ёғлиқ иш топилади. Жойлаштириб қўйишим мумкин.

Икки навқирон ёшдаги йигитнинг тўғри йўл қолиб қинғир йўлни танлагани ғашимизга тегди. Уларни суҳбатга тортишга ҳаракат қилдик. Йигитлар олдинига ётсираб туришди. Кейин гапимиз қовушиб кетди.

— Бир ривоят айтиб берсам майлими, — сўрайман улардан юмшоқлик билан.

— Майли, эшитамиз отахон, — дейишди улар кулимсираб.

— Бўлмаса эшитинглар. Қадимги араб халифаларидан Ҳорун ар Рашид янги бир сарой қурмоқчи бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлиб қолди. Ҳорун ар Рашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб, ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топадилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Ҳалифа ўзининг амалдорлари билан бирга устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Баҳлул деган доно ҳам бор эди. У майдондаги кишилар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб унга пичирлаб бир неча сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб бунинг сабабини сўради. Баҳлул доно шундай деди:

— Мен устундан: "Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб, кўргани келди", деб сўраган эдим, устун шунда:

— Мен эгри бўлмадим. Тўппа-тўғри ўсдим. Тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Агар эгри бўлганимда, аллақачонлар мени ўтин қилиб ёқиб юборган бўлардилар, — деб жавоб берган экан.

— Қалай, маъқулми бу ҳикоя? — атайлаб сўрадим йигитлардан.

— Ёмон эмас, — дейишди улар.

Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит қабилидаги гапимни шу тариқа уларга баён этдим. Энг муҳими, улар коса тагидаги нимкосани тушуниб етишган эди.

## ҲОВЛИ ОЛМА, ҚЎШНИ ОЛ

Шу воқеа сабаб бир вақтлар биз билан ёнма-ён яшаган Турсунбой қўшнимизни эсладим. Ў ҳеч ким билан чиқишолмасди. Қўни-қўшнилар, маҳалладошлардан нола қила-қила, бошқа жойдан ҳовли олиб кўчиб кетди.

Орадан бир неча йил ўтди. Яқинда Турсунбой билан тасодифан учрашиб қолдик.

— Эй отам, бормисиз? — деди у тўсатдан мен билан қуюқ кўриша туриб. — Ҳали ҳам газеталарга қатнашиб турибсизми?

Саволига жавоб олгач бидирлаб кетди.

— Бундай сўраб бормайсиз ҳам отам. Эски қадрдонлармизку, одам-одамга ғанимат. Бир боринг, Чилонзорнинг 22-даҳасидан «дом» сотиб олганмиз. Мана манзилим.

У шоша-пиша бир парча қоғозга манзилини ёзиб берди.

— Эртага шанба, индинга дам олиш куни уйда бўламан. Албатта боринг. Сизбоп бир юмуш бор. Жуда муҳим. Кейин хурсанд бўласиз.

У қўярда-қўймай розилигимни олди...

Эшикни Турсунбойнинг аёли очди. У менга ғалати қараш билан термулиб турди-да танимади чоғи сўради.

— Ким керак?

— Турсунбой уйдами?

— Йўқ, чиқиб кетганлар, — деди чимирилиб. — Ҳеч тинчлик берасизларми, йўқми ўзи?

Эшик тарс ёпилди. Ҳали ҳушимни тўплаб улгурмаган эдим, ичкаридан Турсунбой югуриб чиқди.

— Келинингизнинг нодонлиги қолмади-қолмади. Сизни танимабди. Нега қараб турибсиз? Қани ичкарига марҳамат қилинг, отам.

Чор-ночор ичкари кирдим. Кейин Турсунбойнинг аёли мени «таниб» кечирим сўраган бўлди.

— Қалай, биз кетиб маҳалла тинчиб қолгандир, — деди пичинг билан. Жавоб беришга улгурмадим. Турсунбой сайраб кетди.

— Э отам, эскилар «Қўшнинг ёмон бўлса қочиб қутуласан» деб бежиз айтишмаган экан. Хабарингиз борми-йўқми олти-етти йил ичида уч жойга кўчиб ўтдик. Бироқ қўшниларидан пешонамиз ярқирамади. Бу ерга келиб энди тинчлик десак яна ғалваси чиқиб турибди.

Ташқаридан машина сигнали эшитилди.

— Сигнал чалаётган бизнинг ўғилча. Машинага жуда ўч-да. Келдим дегунча, дарров кабинага чиқиб олиб сигнал чалгани-чалган. Болада ахир. Қўшнилар шуни ҳам кўришолмаяпти. Айниқса рўпарамдаги қўшним Ҳазратқул. Отаси касал эмиш. Қулоғига ҳеч нарса ёқмасмиш. «Ўғлингиз машинани дидитлатгани-дидитлатган. Айтинг, сигнал чалмасин»,— дейди. Тавба, отанг касал бўлса бизга нима? Ахир бола касални биладими? Оёқ-қўлини боғлаб қўйёлмасанг.

Худди шуни тасдиқлагандек кетма-кет узундан-узоқ машина сигнали чалинди. Турсунбойнинг завқи келди.

— Ота боласида бизнинг ўғил. Ҳайдовчи бўлади бу.

Кейин менга юзланди.

— Ҳадеб жой алмаштираверишг жонимга тегди. Сиздан илтимос отам, эски қадрдонлигимиз ҳурмати, бир эвини қилиб беринг. Газетага қўшнимни бир боплаб ёзингки, мен эмас, у кўчиб кетсин бу ердан.

Ташқарида ёш боланинг йиғлагани эшитилди.

— Зароф чиқ, ўғлинг йиғлаётганга ўхшайди.

Аёл кўчага отилди. Бирдан йўлакни бошига кўтарди.

— Вой сув сепмай қўлинг синсин. Бола йиқилади ҳам демайди-я. Шовқин-суронни эшитиб Турсунбой, орқасидан мен ҳам ташқарига чиқдик.

— Озодалигига ўламанми буларни. Эрталабдан сув сепмасанг кимнинг кўнгли қопти.

Қўшни аёл ийманиб:

— Йўлагимиз ифлос бўлиб кетибди. Мен супуриб ҳозиргина сув сепган эдим, — деди.

Турсунбой ва хотини баттар унга ёпишиб кетишди. Мен эса вазиятдан фойдаланиб эски қўшнимнинг таклифи билан уникига боргани минг-минг пушаймон еб, орқамга қайтдим.

Турсунбойнинг «илтимоси» ерда қолмасин деб ушбу воқеани борича сиз ҳурматли ўқувчиларга етказдим.

## КЎЗИНГНИ ОЧИБ ЮР, БОЛАМ

Ёши ўтган кексалар ножўя иш қилиб қўйган ёшларга «Кўзингни очиб юр болам», дея беҳуда танбеҳ беришмайди. Юзаки қараганда бу гап унчалик эътиборли кўринмасада, лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, унинг тагида катта маъно борлигини биламиз. Бунга истаганча ҳаётий мисоллар келтиришимиз мумкин. Шулардан бирини эътиборингизга ҳавола этдик.

Бир киши табибнинг олдига келиб:

— Бир иложини қилинг тақсир, эрталабдан бери тинмай қорним оғрияпти,—дебди.

— Эрталаб қандай таом еган эдинг?—сўради табиб.

— Бир талай қуюқ нон егандим.

Табиб хизматкорини чақириб кўз оғриғи дорисидан олиб келишини буюрибди.

—Аё, тақсир, менинг қорним оғрияпти-ку, кўз дорисини нима қиламан?

— Ташвишланма, — дебди табиб,—кўзинг соғ бўлса, куюк нон емаган бўлардинг.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307. 1 2 3 4 6